

5. Astanakulov, O.T., Raximov, M.Y., Kalandarova, N.N. (2020). Analysis of The Investment Program of The Analytical Cycle at the Enterprise for the Development of the Company's Entrepreneurial Activity. *Academy of Entrepreneurship Journal*, Vol: 26 Issue: 3S, 1528-2686. (Scopus) Retrieved from <https://www.abacademies.org/articles/analysis-of-the-investment-program-of-the-analytical-cycle-at-the-enterprise-for-the-development-of-the-companys-entrepreneurial-a-9736.html>
6. Борисов Е.Ф. Хрестоматия по экономической теории. – М.: Юристъ, – 2000. – 536 с.
7. Гитман Л.Д., Джонк М.Д. Основы инвестирования. – М.: Дело, 1999. - 1008 с.
8. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости процента и денег. Классики экономической науки – XX век. – М.: Гелиос АРВ, 2020. - с. 229.
9. Любушкин Н.П. Экономический анализ: учеб. пособие – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.
10. Подшиваленко Г.П., Киселева Н.В. Инвестиционная деятельность. – М.: Кнорус, 2005.
11. Темирова З.У., Темирболатова С.Х. Учебно-методическое пособие по дисциплине «История экономических учений» для студентов ОФО-ЗФО, обучающихся по программе подготовки 38.05.01 «Экономическая безопасность», специализация «Экономико-правовое обеспечение экономической безопасности». – Черкесск:БИЦ СевКавГГТА, 2018.
12. Харрод Р.Ф. К теории экономической динамики. Классики экономической мысли. - М.: Директ-Медиа, 2007.



## МАМЛАКАТИМИЗГА ХОРИЖЙИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА УЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Худайбердиев Равшан Уктаимжонович -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
хузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари"  
илмий -тадқиқот маркази таянч докторанти

doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a14](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a14)

**Аннотация:** Иқтисодиётнинг ҳозирги рақамли иқтисодиётга асосланган шароитида хорижий инвестицияларнинг ўзига хос ўрни бор албатта. Уларни мамлакатимизга жалб қилиш орқали мамлакатимизда янги ишлаб чиқариш обьектларини барпо этиш, хизмат кўрсатишни замонавийлаштириш ва бошқа соҳа – жабҳаларни салоҳиятини оширишда ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни самарали бошқаришни такомиллаштириш мұхим ҳисобланади.

**Ключевые слова:** иқтисодиёт, инвестиция, бевосита хорижий инвестиция, капитал, портфель, солиқ, амортизация, кредит, стратегия.

## ПУТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В НАШУ СТРАНУ И ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИХ УПРАВЛЕНИЯ

Худайбердиев Равшан Уктаимжонович -  
докторант научно-исследовательского центра  
«Научные основы и проблемы развитие экономики  
Узбекистана» при Ташкентском государственном  
экономическом университете

**Аннотация:** Иностранные инвестиции, безусловно, имеют свое место в современной экономике, основанной на цифровой экономике. Привлекая их в нашу страну, важно привлекать иностранные инвестиции и повышать эффективность их управления, строить новые производственные мощности в нашей стране, модернизировать сервисное обслуживание и улучшать инфраструктуру регионов, повышать потенциал других сфер.

**Ключевые слова:** экономика, инвестиции, прямые иностранные инвестиции, капитал, портфель, налог, амортизация, кредит, стратегия.

## WAYS TO ATTRACT FOREIGN INVESTMENT TO OUR COUNTRY AND IMPROVE THEIR EFFECTIVE MANAGEMENT

Khudaiberdiev Ravshan Uktamjonovich -  
at the Tashkent State University of Economics  
"Develop the economy of Uzbekistan scientific foundations  
and problems" research PhD student at the center

**Annotation:** Foreign investments certainly have their own place in the current economy based on the digital economy. By attracting them to our country, it is important to attract foreign investments and improve their effective management, to build new production facilities in our country, to modernize service delivery and to improve the infrastructure of the regions, to increase the potential of other areas.

**Key words:** economy, investment, foreign direct investment, capital, portfolio, tax, depreciation, credit, strategy.

**Кириш.** Рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги шаритида мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ривожланишида инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай давлат жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан, дунёдан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмаслиги барчамизга маълум.

Худудларимизда инвестиция фаолияти бошқариш жараёнида ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш, глобал, замонавий билимларни олиш, солиқларнинг тартибловчи ролини янада такомиллаштириш, уларнинг рафбатлантирувчилик тенденциясини оширишга қаратилиши лозим. Бунда асосий вазифа сифатида – чет эллик ҳамкорларга капитал қўйишда энг самарали йуналишларни танлаш имкониятини бериш ва таклиф қилиш, ўзаро манфаатлар уйғунлиги белгилаш лозим.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва Ўзбекистоннинг инвестиция жозибадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни сўнгги бир неча йил ичida Ўзбекистон жадал иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечирди ва халқаро ҳамжамиятда бизнес ва инвестициялар учун турили хил тўсиқларини бартараф этишда очиқлик, янгиланиш ва қатъиятлилик рамзларидан бири сифатида тобора кўпроқ намоён бўлаётганлиги бугун хаммамизга маълум.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги 25.12.2019, ЎРҚ-598-сон Қонунига мувофиқ самарали ижро этилиши учун инвесторлар билан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ҳокимликлар, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва тијорат банклари раҳбарлари ўринbosарларидан иборат бўлган давлат ҳокимият органлари ҳамкорлигининг 4 босқичли механизми мувваффақиятли йўлга қўйилган бўлиб, ушбу механизм инвесторларнинг барча сўровларига тезкор жавоб қайтариш ва қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг самарадорлигини керакли тарзда назорат қилиш имконини беради, деб ўйлаймиз.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, моҳиятини ўрганишга бағишлиланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда МДҲ мамлакатлари, жумладан россиялик иқтисодчи олимлар ҳам сезиларли илмий изланишлар олиб боришига эришган. П.И. Вахрин ва А.С. Нешитойлар таърифига кўра инвестиция узоқ муддатли даромад ва ижтимоий самара олиш учун ўз мамлакатида ёки чет елда ҳар қандай корхоналарга, ижтимоий-иктисодий дастурларга, лойиҳаларга сармоя киритишдир[1].

Н.В. Игошин инвестициялар самарадорликни аниқлаш учун вақтинчалик стандарт методология янги технологияни жорий этиш лозимлигини такидлайди[2].

Улардан унг муҳими ва кенг тарқалганлари: маҳсулотларни экспорт қилиш, хорижда мавжуд ёки янги ишлаб чиқариш қувватларига инвестициялар, хорижий қимматли қоғозларни сотиб олиш, концессия, товар белгилари, патентлар, лицензиялар ва бошқа номоддий активларни сотиб олиш С.В. Валдайцев, П.П. Воробьев ва бошқалар[3]. Инвестициялар самарадорлигини иқтисодий баҳолаш Я.С. Мелкумов[4].

Г.И. Иванов инвестициялар моҳияти, турлари, фаолият кўрсатиш механизmlари бўйича ўз илмий изланишлари билан катта хисса қўшган[5].

В.П. Жданов Минтақавий ривожланишнинг инвестицион механизмлари[6] бўйича сезиларли илмий изланишлар олиб боришига эришган.

Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, тартибга солишинг илмий-амалий масалалари бўйича, М.Қ. Пардаев, О.Ю.Рашидов, Б.Б.Беркинов, Б.Ғойибназаров, Д.Ғ.Фозибеков ва бошқалар чуқур изланишлар олиб борганлар.

А.Ж.Сиддиқов. Ўзбекистон тараққиётида инвестицияларнинг роли ва уларни жалб этиш жозибадорлигини оширишда мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланиш даражаси Ўзбекистон учун республиканинг инвестицион жозибадорлигини тадқиқ этиш, инвестиция маблағларини ички капитал ресурслар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитларни кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамияти бўйича таклифлар келтирилган[7].

Б.Ғойибназаров томонидан Халқаро статистика тажрибасига таянган ҳолда келгусида миллий статистикани ислоҳ қилишни халқаро андозаларга мувофиқ олиб бориши, уларда кўлланилаётган халқаро услубиятни республикализда кенг жорий этиш мақсадида бир қатор ўқув курслари халқаро амалиётда қабул қилинган миллий ҳисоблар-2008 стандарти тамойиллари ва қоидаларига асосланиб, миллий статистика фаолиятида ислоҳотларни амалга оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашда инвестиция устуворлиги асосий мезон бўлиб хизмат қилишига доир илмий таклифлар берилган[8].

Муаммонинг ҳозирги вақтда долзарблигини инобатга олиб, уни тадқиқот ишига мавзу сифатида қабул қилинди, мақсад ва вазифалар белгиланди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёки Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг усту-

вор йўналишлари белгиланар экан, унга кўра, инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислоҳотлар стратегиясининг

жуда ҳам муҳим шарти сифатида баҳоланади (1-расм).

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва мамлакат экспорт имкониятини кенгайтириш кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади ва қўйидагиларни талаб этиш билан белгиланади

Биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ максадни кўзлаб сиёsat ўтказиш

Тўртингчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш

Иккинчидан, республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун хукукий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш

Учинчидан, хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш

### 1-расм. Ўзбекистонда инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш стратегияси

*Манба:* Муаллиф ишланмаси

Маълумки, жаҳондаги бирон-бир давлат хорижий сармояларни жалб қиласдан туриб тараққиётга ҳамда иқтисодиёт ривожига эриша олган эмас[7]. Шу боис ҳам бу иш мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистон Республикасида бу сиёсатни қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилмоқда:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- республика иқтисодиётига капитал маблағларни жалб этишни таъминловчи хукуқий асос, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни шакллантириш;
- жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологияларни етказиб берувчи ҳамда иқтисодиётнинг замонавий тузилмаларни барпо этишга кўмаклашувчи хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини мунтазам равишда юритиши;
- маблағларни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим устувор йўналишларга сарфлаш.

Бу борада мамлакатимиздаги мавжуд қонунчилик хорижий самоядорларга бир қатор кафолат ва имтиёзлар беришини таъминлайди. Шу ўринда хорижий инвестицияларни иқтисодиётимизда накадар зарурлигини эътироф этган ҳолда хорижий сармоядорлар Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган инвестицион сиёсатига, қонун устуворлигига энг асосийси тўлов қобилиятига қодир бўлган кучли шерик сифатида ишончларини қозониш лозим. Бунинг учун иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни асосан тўғридан-тўғри капитал сармоялар кўринишида кенг жалб этилиши учун хукуқий, ижтимоий иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш, кўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек инвес-

торлар манфаатлари ҳимоя қилинишини такомиллаштириш зарур.

Албатта, мамлакатга инвестиция киритаётган ҳар бир хорижий инвестор унинг бой имкониятлари билангина эмас, балки:

- авваламбор, республикада ижтимоий сиёсий вазиятнинг барқарорлиги;
- иқтисодий тараққиёт истиқболларининг аниқ равшанлиги;
- республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги;
- хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунларнинг имтиёзли шартлари тўғри белгиланганилиги билан ҳам уларда қизиқиши ўйғотмоқда.

Хорижий инвестицияларини жалб этар эканмиз, ички жамғарма манбаларини сафарбар этмасдан ва корхоналарнинг ўзлари фаол инвестиция ишлари билан шуғулланмасдан туриб, иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади. Инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта қуроллантириш учун маблағ қидириб топишни рағбатлантиришга қаратилмоғи лозим.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилар экан, бунда бизнинг асосий вазифамиз чет мамлакатлардан келадиган сармояларни ишга солиб, хомашё етказиб берадиган минтақадан тайёр маҳсулот чиқарадиган мамлакатга айлантириш орқалигина биз ўз олдимизга қўйган мақсаддага эришган бўламиз.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий мақолада кўтарилиган муаммони атлофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишида индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисо-

дий статистик каби усуллардан кенг фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар мұхокамаси.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида хорижий сармояларни миллий иқтисодиётга киритилиши тадбиркорликнинг келажаги сифатида баҳоланди[8]. Ушбу имкониятдан фойдаланиш қандай натижалар бериши асосланди. Белгиланган тадбир ва вазифаларни ечимини таъминлаш борасида амалий қадамлар қўйилди. Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда олдиндан белгилаб олинган тамойилларга асосланган ҳолда инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилди. Хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилди. Имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари белгиланди. Бу борада қўйидагиларни келтириш жоиз:

- ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар кам тўлаш ҳукуқи берилди;

- республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этилди;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришини кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисми солиқдан озод этилди;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсат-

номасиз четга олиб кетиш имконияти берилди;


- Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мulkни четдан бож тўловларисиз олиб кириш рухсати берилди;

- жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, хорижикларнинг давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулкнинг кенг миқёсда сотилишида бемалол иштирок этишлари таъминланди.

Мамлакат иқтисодиётiga чет эл сармоясini жалб этиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатларидан бири бўлиб. Бунинг учун эса аввалимбор, жойларда қулай шароит, яъни инфраструктура яратиш лозим. Чунки кимки ўз фаолиятида чет эл сармоясидан фойдаланишни истаса, шунга яраша инфратузилма яратиш керак. Хорижий инвестицияни иқтисодиётга жалб этишнинг яна бир йўли – ишлаб турган завод ва фабрикалар негизида қўшма корхоналар ташкил этишдан иборат.

Иқтисодий ислоҳотларни иккинчи босқичида, чет эл сармояларини жалб этиш амалиёти натижаларини эътиборга олган ҳолда, уларни тез фойда келтирадиган соҳаларга кириб келганини ҳисобга олиб, инвестицион фаолиятни рағбатлантирувчи тизимини жорий этишга қаратилди. Ишлаб чиқаришни юксалтириш мақсадида корхоналар ва аҳоли инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг бақувват механизмини вужудга келтириш вазифаси қўйилди.

### Хорижий инвесторлари билан ҳамкорлик муносабатларининг самараси



2-расм. Хорижий инвестициялардан кутиладиган самара

Манба: муаллиф ишланмаси

2-расмда келтирилган хорижий сармоялар самараларини тинимсиз давом эттириш мумкин, чунки хорижий шериклар билан мулоқот юритиш, улар билан қўшма фаолият олиб бориш, миллий иқтисодиётимизда туб тузилма ўзгаришларга олиб келади, мамлакат қудратини оширади, миллий валютамиз мавқеини мустаҳкамлайди, фаровонликни таъминлайди, турмуш тарзимизни яхшилади. Энг асосийси, ҳар бир шахс ўз имкониятларини кенгайтиради, баҳтил ҳаёт кечиришга замин яратади, келажак авлод турмуш фаровонлигини таъминлайди, Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторига кўтарилади, ҳар бир тадбиркорнинг бели бақувват бўлади, чексиз имкониятларга эга бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг иккинчи босқичида асосий эътиборни иқтисодиётимизда тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга ва тез суръатларда сафарбар этилган хорижий сармоялар эвазига рақобатбардошли моддий неъматларни ишлаб чиқаришга қаратилди. Бунинг учун ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш билангина туб тузилма ўзгаришларга эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, хорижий шериклар билан мулоқот бошланганда, албатта, улар шерик сифатида сармоя ажратишга тайёр бўлса ҳам, аввалимбор ўзга шерик имкониятлари билан қизиқиши табиийдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз ички имкониятларни, яъни ички сармояларимизни сафарбар қилиш билан бирга хорижий сармояларни кенг равища жалб этиш тўғрисида бош қотиришни тавсия этилади.

Хукуматимиз томонидан хорижий сармояларни қай даражада жалб этилиши охир-оқибатда иқтисодиётимизни келажагини кўп жиҳатдан аниқлаб бериши тўғрисидаги ғоя илгари сурилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги қунда иқтисодиётимизнинг келгуси ҳолати кўп жиҳатдан биз бугун хорижий сармояларни қай даражада қўпроқ жалб этишимизга боғлиқ. Бу борада хорижий сармояларни биринчи навбатда янги технологияларни жорий этилишига ва янги қувватларни ишга туширилишига қаратилиши кўзда тутилади.

Хорижий сармояларга баҳо берилганда уларни жуда қийинчилик билан ва узоқ вақт мобайнида белгиланиши [9], ўзининг йўналишини танлов асосида ўзгартириши ҳамда тикилган сармояни кўпайтириши зарурлигини тан олган ҳолда, мумкин бўлган йўқотишлар ҳам бўлишини, аммо капитални кўпайтириши, фойдалари тарзда маблағ йиғиб, ундан қўшимча фойда олиши мумкин бўлган майдонни қидиришини, капитал шунчаки ҳаракатсиз ётмаслигини таъкидлаш мумкин.

Албатта, ҳамма бизнес қилишни, айниқса сармоядорларни ўз бойлигига бойлик қўшишни

истайди. Бу эса ўз навбатида сармояларни жалб қилиш учун шароит яратилишини талаб этади. Бунинг учун энг аввало сармоядорниг мазкур минтақада мавжуд сиёсий барқарорликка, бу давлатда қабул қилинган қонунлар, ҳукуқий меъёрлар ҳар бир капитал эгаси олишни истаган фойда, даромадни кафолатлашига ишонч ҳосил қилишига боғлиқ. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилаётган минтақадаги имкониятлар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, ресурслар нарх-навоси, инфратузилманинг ривожланиш ҳолати, ахборот ишончлилиги, хизмат кўрсатиш яъни алоқа, транспорт ривожланиш ҳолати ва истиқболи ҳамда жозибали лойиҳаларни мавжудлиги инвесторлар қизиқишини янада орттиради.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳукуқий нуқтаи назаридан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни тақрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутади. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари — хорижий инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар бу муносабатларнинг иштирокчиларига айланадилар. Ҳукуқий нуқтаи назардан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати шакллари фойда олиш мақсадида кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

**Хуласа ва таклифлар.** Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Инвестиция фаолияти ривожланишининг объектив шароитларини акс эттирадиган алоҳида инвестиция муносабатларининг мавжудлиги тартибга солишнинг мустақил предмети бўлишини тақозо этади. Ҳукуқ нуқтаи назаридан инвестиция фаолиятини тартибга солиш умумий ҳукуқий ва хусусий ҳукуқий тартибга солиш меъёрларини қамраб олади. Бу меъёрларнинг бирлиги ижтимоий ва алоҳида инвестиция муносабатларининг характеристи ҳамда моҳиятини ифода этади ва уларни тартибга солиш усулига айланади. Тартибга солиш усуллари ҳукуқ меъёрларининг ҳам алоҳида, ҳам ижтимоий зарур инвестиция муносабатлари характеристига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиш йўлларидан иборат.

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар стратегиясининг жуда муҳим шарти сифатида белгиланган бўлиб, кучли инвестиция

сиёсатини ўтказиш учун ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш лозим:

*биринчидан, ташки иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аник мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Бунда товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш;*

*иккинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни Республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;*

учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган ҳалқ ҳўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш;

*тўртминчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга - республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-енергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш лозим. Чунки, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қурмай туриб, экспорт имкониятларини кенгайтириш мумкин эмас.*

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Вахрин П.И., Нешитой А.С. *Инвестиции: Учебник.* – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. С.13.
  2. Игошин Н.В. *Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов.* 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. С.81
  3. *Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В.Ковалева, В.В.Иванова, В.А.Лялина.* – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17
  4. Мелкумов Я.С. *Инвестиций: Учебное пособие.* – М.: ИНФРА-М, 2003. С.8.
  5. Иванов Г.И. *Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия».* – Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24-25.
  6. Жданов В.П. *Инвестиционные механизмы регионального развития.* – Калининград, БИЭФ, 2001. С.121.
  7. Стакова Л.В. *Управление инвестициями.* – М., 2001. С-356.
  8. Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьяновлар А.М. *Экономическая оценка инвестиций.* – М.: ИНФРА-М, 2006. – 243с.
  9. Лоренс Дж. Гитман, Майл Д. Джонк. *Основы инвестирования.* – М.: Дело, 2007, с.10.
  10. Махмудов, С. *Пути улучшения механизмов финансирования логистических компаний.*
- // Иқтисодиёт ва таълим,(3) (2021): 237-242.
11. Махмудов S. (2020). Пути совершенствования альтернативных методов финансирования инвестиционной деятельности. Экономика И Образование, 1(6), 113-120. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/7088](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/7088)



#### **АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Шомансурова Зилола Абдуваҳитовна-  
ТДИУ, PhD, доцент**

[doi:\[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\\_iss6/a15\]\(https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\_iss6/a15\)](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a15)

**Аннотация.** Мақолада акциядорлик жамиятида инновацион салоҳиятни аниқлашнинг илмий-назарий жиҳатлари баён этилган. Шунингдек, “Дори-дармон” акциядорлик жамияти мисолида инновацион солиҳиятнинг модернизациялашув ва интенсивлашув коэффициентлари таҳлил қилинган. Шубилан бирган, инновацияларнинг ишбилиармон фаоллик самараదорлиги ва инновациялар молиявий самараదорлиги коэффициентлари таҳлили ҳам амалга оширилган. Акциядорлик жамиятида инновацион салоҳиятни аниқлашнинг мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этишига қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** инновацион салоҳият, молиявий самараదорлик, модернизациялашув, интенсивлашув, инновацияларнинг ишбилиармон фаоллик самараదорлик.

#### **СПОСОБЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В АКЦИОНЕРНОМ ОБЩЕСТВЕ**

**Шомансурова Зилола Абдуваҳитовна-  
ТДИУ, PhD, доцент**

**Аннотация.** В статье описаны научно-теоретические аспекты определения инновационного потенциала в акционерном обществе. Также проанализированы коэффициенты модернизации и интенсификации инновационного права на примере акционерного общества «Дори-Дармон». При этом также проводился анализ эффективности деловой активности инноваций и коэффициентов финансовой эффективности инноваций. Выявлены существующие проблемы выявления инновационного потенциала в акционерном обществе и разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на их устранение.

**Ключевые слова:** инновационный потенциал, финансовая эффективность, модернизация, интенсификация, эффективность деловой активности инноваций.